

кады февраля, в начале марта происходит массовый выход личинок. Средняя численность их на 100 стеблей составляет в это время 68-150 штук, позже достигает - 341-449 штук.

3. Самые широко распространённые патогенные микроорганизмы имеют наиболее существенное значение в ограничении численности вредителя. Заражённость личинок достигала патогенные грибы и бактерии снижали численность вредителя на 16,7 -57,6%.

4. При бактериологическом исследовании материала выделено 59 штаммов бактерий, которые на основании

морфологических, культуральных и биологических свойств отнесены к 4 родам и 21 виду. В числе идентифицированных к роду *Bacillus* отнесено 13 видов, *Aerobacter* -1, *Micrococcus* -3, *Proteus* - 4 вида.

5. Из определённых видов бактерий 12 оказались наиболее патогенными для личинок фитонюмы, в том числе *Bac.thuringiensis*, *Bac.subtilis*, *Bac.vulgatus*, *Bac.danicus*. *Bac. megaterium*.

Р.Н.ЖОНОНОВА к.б.н.,
А.Ф.ХАЙТУРАТОВ, с.х.н.

Научно исследовательский институт защиты растений

ЛИТЕРАТУРА:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан от 29.01.2020г.
2. № ПП-4576 «О дополнительных мерах государственной поддержки животноводческой отрасли»
3. Бердже Д. – Определитель микробов. – Киев. 1936-1980 – с. 739-769.
4. Герхард Ф.Р. и др. – Методы общей бактериологии – Москва. 1989. – том 1-2.
5. Евлахова А.А., Швецова О.И. – Болезни вредных насекомых. Методы учёта сбора, хранения, пересылки насекомых поражённых болезнями. – Москва: Колос 1065. – 54 с.
6. Иванов И.А. – Люцерна. Москва: Колос, 1980. 349 с.
7. Лабинская А.С. – Микробиология с техникой микробиологических исследований. – Москва: Медицина, 1978. – с. 245.
8. Меголёв В.А. – Выявление вредителей полевых культур. – Москва: Колос, 1968. – с. 176.
9. Ходжаев Ш.Т. ва б. – Инсектицид, акарицид, биологикфаолмоддаларвафунгицидларнисинашбуйичауслужбикурсатмалар. – Тошкент. 2004. – 104 б.
10. Яхонтов В.В. – Экология насекомых – Москва: Высшая школа, 1969 – с. 10-45.

УЎТ: 635.51

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖА

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА РАЙОНЛАШТИРИЛГАН ВА ИСТИҚБОЛЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИ ХЎЖАЛИК ВА МОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ

Аннотация. В настоящее время актуальной задачей является разработка оптимальных режимов орошения норм минеральных удобрений и густота стояния новых сортов хлопчатника отвечающих требованиям мирового рынка по качеству волокна устойчивых к болезням а также приспособленных к экстремальным условиям конкурентоспособных и другим показателям в сфере хлопководства.

Annotation. It is very important to make right choice of cotton varieties reliable to the local climate fast ripen highly productive stable to diseases and vermins to locate them reliable to seed cotton in double rows to till the soil and get ready for seeding thin cutting applying growth controlling minerals; cutting cinnin pland top, fertilizing eliminating qualified effective agritechnical processes on time.

Турли ғўза навларининг хўжалик, морфологик ва биологик хусусиятларига қараб парваришлаш, бу борада энг мақбул таъсияларни ишлаб чиқиш долзарб вазифадир.

Тажирибаларимизни Андижон туманида жойлашган (Андижон қишлоқ хўжалик институти), ҳозирда ТошДАУнинг Андижон филиали қошидаги "Ўқув-тажириба хўжалиги" давлат унитар корхонасига тегишли майдонларда олиб бордик. Тажириба ўтказилган майдон тупроқлари қадимдан суғорилиб келинаётган, ўтлоқлашиб бораётган бўз тупроқлар бўлиб, механик таркибига кўра ўрта ва оғир қумоқли, ер ости сувлар сатҳи чуқур (1,5-2,0 м) жойлашган.

Тажириба майдонининг тупроқларида гумус миқдори 0-30 см қатламда 0,785 %, 30-50 см қатламда 0,754 % ни, юқоридаги қатламларда умумий азот 0,082; 0,077 %, фосфор 0,115, 0,097 % ни, нитратли азот 15,8-12,3 мг/кг, фосфор 34,4-21,8 мг/кг, калий билан кам таъминланган.

Дала тажирибалари ПСУЕАИТИ нинг услужбик қўлланмалари

асосида олиб борилди (СоюзНИХИ, 1981, ЎзПТИ 2007). Тажирибалар 7 вариант ва 3 қайтариқдан иборат бўлиб, вариантлар узунлиги 50 м, эни 3,6 м ни ташкил этади.


- 1- вариант – ғўзани "Андижон-36" нави;
- 2- вариант – ғўзани "ЎзПТИ-201" нави;
- 3- вариант – ғўзани "Ўнқўғон-1" нави;
- 4- вариант – ғўзани "Порлоқ-1" нави;
- 5- вариант – ғўзани "АҚХИ-1" нави;
- 6- вариант – ғўзани "Келажак" нави;
- 7- вариант – ғўзани "Истиклол-14" нави;

Тажириба давомида ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши кузатиб борилди, қайсики, бунда ҳар ойнинг биринчи кунларида ҳар бир вариантда 50 донга ўсимлик танлаб олинди. Тажириба даласидаги мавжуд кўчат қалинлиги вариантлар бўйича (яғнадан кейин ва биринчи теримдан олдин) аниқланди.

1 июнда ғўзанинг бўйи ва чин барг сони;

1 июлда ғўзанинг бўйи, ҳосил шохи ва ҳосил элементлари;

Ѓўза навларининг пахта ҳосили, ц/га.



SX%=0,92

HCP***1,043

1 августда ғўзанинг бўйи, ҳосил шохлари, ҳосил элементлари, кўсаги ҳисобланди;

1 сентябрда умумий кўсақлар ва очилган кўсақлар сони ҳисобланди.

Ҳар терим олдидан бир дона кўсақдаги пахта вазнини аниқлаш мақсадида танлаб олинган 50 дона ўсимликдан намуналар териб олинади.

Пахта ҳосилдорлиги ҳар бир вариант ва қайтариқларда

теримлар бўйича ҳисоблаб борилди. Пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичлари аниқланди.

Ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотлар Доспехов усулида математик таҳлил қилинди.

28 мартдаги 1-кузатув ҳисоб-китобларига кўра, “Андижон-36” ғўза нави чигитларининг 24,7 фоизи униб чиққан бўлса, “Ўнқўрғон-1” ва “Келажак” навлари кам униб чиққан, “ЎзПТИ-201” нави бўйича 4,0 фоизга юқори униб чиқди. Кузатувни кейингиларида ҳам бу нисбатлар сақланиб қолди. Демак 100 та уяда ғўза навларини униб чиқиши деярли яқин бўлди. Юқори ва тез унувчанлик “ЎзПТИ-201”, “Истиқлол-14”, “АҚХИ-1” навларида намоён бўлди.

Барча ўтказилган агротадбир натижаси пировардида ҳосилдорлик билан яқунланади. Бир хил агротехника ўтказилиб, парваришланганда “Андижон-36”да гектари-дан 36,6 центнер пахта териб олинган бўлса, “Ўнқўрғон” навидан 4,0, “Келажак” навидан 2,3, “АҚХИ-1Ц” навидан 2,4, “Порлоқ” навидан 1,7 центнер кам пахта ҳосили етиштирилди. Энг юқори пахта ҳосили “ЎзПТИ-201”(38,2) ва “Истиқлол-14” (38,4) навларидан олинди. .

Демак, Андижон вилояти шароитида ғўза навлари-дан юқори пахта ҳосили етиштириш учун “Андижон-36”, “ЎзПТИ-201”, “Истиқлол-14” навларини экиш мақсадга мувофиқдир.

Абдурахимова Анора Рустамбоевна,
ТошДАУ ассистенти.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Уруғчилик тўғрисида”ги Қонуни. Т. 1996 й.
2. Гуляев Г.В. Гужов Ю.Л “Селекция и сменоводство полевых культур”. “Колос”. 1987 й.
3. Эгамбердиев А.Е. “Ѓўза селекцияси ва уруғчилиги”. Т. 2007й.
4. Эгамбердиев А.Е. “Ѓўза селекцияси ва уруғчилиги биологияси”. Фан. 2009 й.

ЎҚИНГ. ЭЪТИБОРГА ОЛИНГ

ЭЖМА ЗАЪФАРОН (C. SATIVUS L.) ЎСИМЛИГИНИ РЕСПУБЛИКАМИЗ ИҚЛИМ-ТУПРОҚ ШАРОИТИДА ЎЃИТЛАШНИНГ ДАСТЛАБКИ АСПЕКТЛАРИ

Аннотация. В этой статье проводятся данные о лекарствах и о растении Шафрана посевногокоторый широко используется в составе многих продуктов питания. Изначально это растение было изучено с его содержимое элементами, его строение структуры и исходя из полученных результатов исследования, будут приняты соответствующие рекомендации.

Annotation. This article raised the issue of fertilizer use in the Saffron plant, which is very important for medicinal and food preparation. The need for nutrients in the plant is first to be studied, and it is planned to develop a fertilizer system and make recommendations based on the results.



Ўзбекистонда доривор ўсимликшуносликни ривож-лантириш ва маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқариш тармоғини доривор ўсимликлар билан таъминлаш бора-сида Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2014 йил 20 октябрда № 290 – сонли “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойда-ланиш соҳасида рухсат бериш тартиб таомилларига ўтиш тўғрисида”ги, 2015 йил 20 январдаги № 5 - сонли “2015-2017 йилларда ўрмон хўжаликлари тизимини